

633.51  
Ф - 33



Н. ФАҚИРОВ  
Э. ОДИЛХУЖАЕВ

# ЋЎЗАНИНГ «ЎЗБЕКИСТОН» НАВЛАРИ

бр. 3966/2



№ 86

УЗБЕКИСТОН

ССР

«БИЛИМ»

ЖАМИЯТИ

Н. ФАҚИРОВ  
Э. ОДИЛХУЖАЕВ

623.51

Ф - 33

ЎЎЗАНИНГ  
«ЎЗБЕКИСТОН»  
НАВЛАРИ

«ЎЗБЕКИСТОН» НАШРИЁТИ

Тошкент — 1976



ср. 3866/2

Ушбу рисолада вилтга чидамли, эртапишар, серҳосил, тола сифати юқори бўлган «Ўзбекистон»-1 ва «Ўзбекистон»-2 янги ғўза навларининг яратилиши, уларнинг экиб келинаётган стандарт ғўза навларидан афзаллиги, айрим агротехник тадбирлари, республикамизнинг баъзи колхоз ва совхозларида олиб борилган тажрибалар ва давлат нав синаш участкаларида олинган натижалар ёритилган.

Рисола пахтачилик билан қизиққан қишлоқ хўжалик ходимларига мўлжалланган.

О  $\frac{40403-486}{М 351 [06] 76}$  17-77

© «ЎЗБЕКИСТОН» нашриёти, 1977 й.

## КИРИШ

КПСС XXV съездининг қарорлари социалистик Ватанимиз коммунистлари, барча меҳнаткашларининг диққат марказида турибди.

Бутун совет халқи каби Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам съезд қарорларини амалга оширишда жами имкониятларини ишга солмоқдалар. Съезд қарорларида пахтачиликни ривожлантиришга ҳам катта эътибор берилган. Шу сабабли пахтачиликни янада ривожлантиришда республикамиз олимлари ҳам бутун имкониятларини ишга солиб, юқоридаги вазифаларни амалга оширишга куч-ғайратларини сарфламоқдалар.

КПСС ва Совет ҳукумати республикамизда пахтачиликни юксалтириш тўғрисида доимо ғамхўрлик қилиб келмоқда. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев пахтакорларнинг меҳнатига юқори баҳо берди. У партия XXV съездида шундай деб таъкидлади: «Пахтакорларимиз... тўғрисида илиқ сўз айтмай бўлмайди. Беш йилликнинг ҳар йили пахта... етиштиришда катта муваффақиятлар билан нишонланди».<sup>1</sup>

Ўзбекистон Компартиясининг XIX съездида республикамиз ўзинчи беш йиллик охиригача олти миллион тонна пахта етиштириши тўғрисида қарор қабул қилинди. Умуман республикамиз бўйича беш йиллик мобайнида пахта ҳосилдорлигини 28 миллион тоннага етказиш

---

<sup>1</sup> КПСС XXV съездининг материаллари, Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1976, 50-бет.

зиш мўлжалланмоқда. Республикамиз пахтакорлари 1976 йилда Ватанга 5 миллион 330 минг тонна «оқ олтин» етказиб бердилар.

Бу юксак вазифани амалга оширишда республикамизнинг илмий ташкилотларида меҳнат қилаётган селекциячи олимларнинг ҳам роли катта.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг 1976 йил 10 майда ўтган II Пленумида ўртоқ Ш. Р. Рашидов селекциячи олимларимизнинг ишларига юқори баҳо бериб, ўнинчи беш йилликда қилинадиган ишлар устида гапириб шундай деди: «Биз ўнинчи беш йилликда пахта сифатини яхшилашга доир катта тадбирларни амалга оширишимиз керак. Бу вазифани ҳал этишда селекциячи олимларимиз муҳим роль ўйнайдилар, улар пахта толасининг сифати юқори бўлган серҳосил навларини ва аввало V типдаги толаси бўлган ўрта толали ва I ҳамда II типдаги толаси бўлган ингичка толали навларини етиштириш соҳасидаги ишни кучайтиришлари керак».<sup>1</sup>

---

<sup>1</sup> «Совет Ўзбекистони», 1976 йил 11 май.

### **«ЎЗБЕКИСТОН» ҒЎЗА НАВЛАРИНИНГ ЯРАТИЛИШИ**

Ғўзанинг «АН-Ўзбекистон»-1 ва «АН-Ўзбекистон»-2 навлари ғўзанинг турлараро узоқ авлодларини дурагайлаш, уларнинг 3-дурагай авлодларига С-4727 навини қайта чатиштириш ва кўп марта якка танлаш (Ғз-С-4727 Х мексиканум ХС-4727) методларини қўлланиш орқали олинди. Мазкур вазифа Ўзбекистон ССР Фанлар академияси қошидаги Ўсимликлар экспериментал биологияси институтида амалга оширилди. «Ўзбекистон» навлари тез пишарлиги, вилтга чидамлилиги, серҳосиллиги, толасининг юқори сифатлилиги, чигитининг қаттиқлиги, сув танқислигига чидамлилиги ва тупининг ихчамлиги ҳамда бошқа хусусиятлари билан республикамызда экилаётган бошқа навлардан фарқ қилади.

Биз қуйида мазкур навларнинг биологик хусусиятларига қисқача тўхталиб ўтамиз.

**«Ўзбекистон» ғўза навларининг вилтга чидамлилиги.** «Ўзбекистон» ғўза навларининг вилтга чидамлилиқ хусусияти ғўзанинг вилтга ирсий чидамли бўлган ёввойи мексиканумдан дурагайлаш асосида вужудга келтирилган. Мазкур хусусият навларни турли хил агроэкологик шароитда кенг миқёсда синаш асосида текшириб кўрилди ва вилт (оқ палак) касаллигига юқори даражада ирсий чидамли эканлиги аниқланди. Масалан, ғўзанинг 108-Ф нави 80—90 процент, «Тошкент»-1 нави 5—10 процент касалланган асосий майдонларда «Ўзбекистон» навларининг вилт билан касалланиши 1—10 процент ўртасида бўлди. Республикамыз ғўза майдонларининг ярмидан кўпи вилт касаллигини туғдирувчи вертициллум замбуруғи билан зарарланган. Шундай майдон-

ларга ғўзанинг 108-Ф нави ёки ирсий чидамлилиги паст навларни экиш хўжалик жиҳатдан тўла эффект бермайдиган ва кўзланган ҳосил олинмайди. Ҳатто айрим майдонлардаги ғўзалар 80—90 процент касалланиб, ҳосил эса ярим баробар камайиши мумкин. Шундай тоифадаги ғўза майдонларида экилган «Ўзбекистон» навлари 1—10 процент ўртасида касалланиб, мўлжалдаги ҳосил олинапти. Бу хусусият «Ўзбекистон» навларининг жуда муҳим томонларидан бўлиб, пахтачиликни янада юксалтиришда катта роль ўйнайди.

Ғўза вилт билан кам, ўртача ва юқори даражада зарарланади. Айрим кишилар ғўзанинг вилтга чидамлилиги деганда умуман зарарланмаслиги, деб тушунадилар. Шунинг учун яратилган янги навларнинг вилтга чидамлилиги хусусиятини сақлаш шу навларни экаётган хўжалик раҳбарларига боғлиқ, яъни бу хўжаликлар шу навларга белгиланган ҳамма тадбирий чораларни ўз вақтида ўтказишга ҳаракат қилишлари лозим. Бу янги навларнинг вилтга чидамлилиги имкониятларини узайтирган бўлади.

Ирсий жиҳатдан вилтга чидамли бўлган Ўзбекистон ғўза навларидан фойдаланишда юқорида таъкидланган агротехника қоидаларига тўлиғича риоя этилганида кўзланган натижага эришиш мумкин.

«Ўзбекистон» ғўза навларининг ҳосилдорлиги. «Ўзбекистон» навларидаги серҳосиллик ирсий хусусият ғўзанинг ёввойи хили — мексиканумни маданий нав С-4727 билан сунъий усулда дурагайлаш асосида ҳосил қилинган. Бунга дурагайлар орасида жуда кам учрайдиган, ирсий томондан ўта серҳосил тупларни кўп мартаба якка танлаб олиниб, уларнинг талабига кўра агротехника тадбирларини қўлланадиган натижасида узоқ йиллар мобайнида эришилди.

«Ўзбекистон» ғўза навларининг серҳосиллик хусусиятини таъминлашда ғўзанинг ирсий хусусиятларидан — тез пишарлик, вилт ва сувсизликка чидамлилиги, минерал ва органик ўғитларга юқори талабчанлик, тупнинг ихчамлиги жуда катта роль ўйнади.

Кейинги вақтларда ғўзанинг стандарт навларидан гектар бошига олинадиган кўчат қалинлиги бирмунча оширилган бўлиб, ер шароитларига қараб асосан 100—120 минг тупни ташкил қилмоқда. Бунда ҳар бир туп ғўзада гектар бошига 8—10 кўсак бўлиб, 35—45 центнер атрофида ҳосил олинмоқда.

«Ўзбекистон» ғўза навларининг ирсий хусусиятла-

рига асосланган ҳолда уя оралари нисбатан кенгайтирилган (яъни 90x15—1 ва 60x20—1) схемаларда экилиб, ҳар бир уяда бир тупдан кўчат қолдирилади. Қатор оралари 90 см схемада ҳар бир метрида 6—7 дан, 60 см схемада 5—6 дан ғўза туплари қолдирилса, иккала схема бўйича ўртача гектар бошига 70—80 минг туп ғўзага эга бўлинади. Улар стандарт навлардаги кўчат қалинлигидан 20—30 минг туп ўртасида кам бўлса ҳам, лекин ҳар бир тупи 2—3 туп ғўзанинг ўртача ҳосилини бера олишлик ирсий хусусияти борлигини ҳисобга олсак, ҳар бир тупида 15—16 дан кўсак бўлгани ҳолда гектаридан 50—55 центнер ҳосил олиниши мумкин. Бундан ташқари, 30 см ораликда экилган бир тажрибамизда ҳар бир уяда уларнинг табиий чиқишига қараб, 30—40 см ўртасида бир тупдан қолдирганимизда ўсимликлар 30—40 дан, айримлари 70—80 дан кўсак тугди. Натижада айрим тупларнинг ҳосили 350—400 граммни ташкил этди. Бу «Ўзбекистон» навларининг нақадар серҳосиллигини кўрсатувчи асосий кўрсаткичдир. Демак, «Ўзбекистон» навларининг ирсий талаблари асосида агротехника тадбирлари кўрилса, юқоридаги натижага эришилади. Агар «Ўзбекистон» навларига шароитни ҳисобга олган ҳолда тавсия этилаётган агротехника тадбирларини тўла жорий этилса, ер шароитларига қараб 45 центнердан тортиб 60 центнергача ҳосил олиш мумкин.

**«Ўзбекистон» ғўза навлари чигитининг қаттиқлиги.** «Ўзбекистон» навларидаги бу хусусият ғўзанинг ёввойи хили—мексиканум билан дурагайлаш асосида олинган. Бу ирсий хусусият ғўза эволюциясида уни турли шароитларга мослашувини таъминлашда асосий роль ўйнаган хусусиятларидан бири ҳисобланади. Бу хусусиятнинг «Ўзбекистон» навларида бўлиши чигитни экишга тайёрлаш кўрсатмасига алоҳида эътибор беришни талаб этади. Агар чигитни экишга тайёрлаш тадбирларига яхши риоя қилинса, унинг униб чиқиши аъло даражада таъминланади. Акс ҳолда чигит олдинма-кейин униб чиқиб, ғўзаларнинг бўйи бир текис бўлмайди, бу жуда катта зиён келтириши мумкин. Бундан ташқари чигит экиш кампанияси ҳамма вақт ҳам яхши келавермайди. Об-ҳаво шароити ноқулай келганда чигит чиримаслигини таъминлашда ҳам чигитнинг қаттиқлик хусусияти алоҳида роль ўйнайди.

**«Ўзбекистон» ғўза навларининг тез пишарлиги.** «Ўзбекистон» навларидаги бу хусусият, асосан, ғўзанинг

маданий нави С-4727 билан сунъий ва бир қанча бошқа навлар билан табиий усулда чатишган мураккаб дурагайларни кўп мартали якка танлаш йўли билан олинган. Бу хусусият фойдали барча хусусиятларнинг ҳосил бўлишида моддий база бўлиб хизмат қилади.

«Ўзбекистон» навлари учун агротехника тадбирлари юқори савияда ўтказилса, «Ўзбекистон»-1 ва «Ўзбекистон»-2 навларининг биринчи кўсаги 4—5 ва 5—7 кун аввал очилади (барча ҳосилнинг пишиб етилиши 10—15 кун). Бу эса ҳосилни об-ҳаво шароитлари ёмонлашгунга қадар тезда йиғиб-териб олиш имконини беради.

«Ўзбекистон» гўза навларининг сувга чидамлилиги. «Ўзбекистон» навларидаги сувни кам талаб қилиш ирсий хусусияти асосан гўзанинг ёввойи хили мексиканумдан дурагайлаш усулида олинган бўлиб, кейинчалик мураккаб дурагайларни бир неча йиллар давомида якка танлаш натижасида ҳосил қилинган.

«Ўзбекистон» навларининг бу ноёб хусусиятидан фойдаланиш уларга бериладиган агротехника тадбирларини тўлиқ ўтказишни талаб этади. Бунда кузда ерларни табақалаб асосли усул йўли билан текислаш, яъни эрта баҳорда ерларни жорий усулда текислаш, вегетация сувини 80—120 метрли ўқариқлар ёрдамида бериш тавсия этилади. Биринчи вегетация сувини (қум тупроқли ва шағал қатламли юза жойлашган тошлоқ гўза майдонларидан ташқари) жойларда стандарт «Тошкент»-1, 108-Ф гўза навларига нисбатан 7—10 кун кечиктириб бериш орқали гўзага бериладиган мавсум бўйича сув нормасини 20—30 процент тежаб қолиш мумкин. Бу йўл орқали «Ўзбекистон» навларини сув билан таъминлашда бир қатор қўшимча имкониятлар қўлга киритилади.

«Ўзбекистон» гўза навларининг технологик ирсий хусусияти. Янги гўза навларининг толасини пахта тозалаш ва тўқимачилик саноати талабларига юқори даражада жавоб берадиган қилиб яратиш пахтачиликдаги муҳим масалалардан бири. «Ўзбекистон» гўза навларини яратишда биргина сунъий усулда частиштирилган С-4727 гўза навининг ўзидангина эмас, аслида бир қанча совет гўза навларидан ҳам фойдаланилди. Гўза ҳашаротлар ёрдамида четдан 5—10 процент чангланади. «Ўзбекистон» гўза навлари сунъий ва табиий усулда чатишган мураккаб дурагайлардан иборат ўсимликларни якка тартибда танлаш усу-

ли билан олинган. Чунки «Ўзбекистон» навларининг уруғчи ва чаггчи формалари бўлган гўза С-4727 навида ҳам, гўзанинг ёввойи хили мексиканумда ҳам кўн йиллар давомида кўринмаган ирсий хусусиятлари «Ўзбекистон» навларида тўсатдан пайдо бўлиши юқоридаги фикрнинг исботидир.

«Ўзбекистон» гўза навлари толасининг чиқиши, толасининг узунлиги ва майинлиги бўйича пахта тозалаш ва тўқимачилик саноати талабларига энг юқори даражада жавоб беради. Бу хусусиятлари билан «Ўзбекистон» навлари С-4727, 108-Ф ва «Тошкент»-1 навларидан ҳам анча устун туради. Бунини қуйидаги жадвалдан ҳам билиш мумкин.


| Гўза навларининг номи             | Тола узунлиги (мм) | Тола шиқлиги (гр) | Метрик номери майинлиги | Узунлиги (см) | Авторлари                          |
|-----------------------------------|--------------------|-------------------|-------------------------|---------------|------------------------------------|
| Энг юқори саноат талаби . . . . . | 34-36              | 4,8               | 5950                    | 28,5          |                                    |
| 149-Ф . . . . .                   | 34-35              | 4,5               | 6000                    | 27,0          | Л. А. Туркс,<br>В. П. Будкова      |
| С-1622 . . . . .                  | 33-34              | 4,5               | 5940                    | 26—27         | С. С. Канаш,<br>Ефименко           |
| 138-Ф . . . . .                   | 35-36              | 4,4               | 6000                    | 26,4          | Л. В. Румшевич,<br>Н. А. Топушева  |
| „АН-Ўзбекистон-2“ .               | 35-36              | 4,5—<br>4,7       | 5900<br>6000            | 27—28         | Н. Р. Фақиров,<br>Э. Н. Одилхўжаев |

Жадвалдан кўриниб турибдики, гўзанинг «Ўзбекистон»-2 нави IV тип тола учун олий даражада белгиланган нормативлар даражасида бўлиб, толасининг узунлиги ва майинлиги билан талабга тўлиқ жавоб беради. Аммо биринчи саноат нави учун, олий даражада қўйилган тола шиқлиги бўйича бирмунча пастроқ бўлиб, бу талабга ўртача жавоб берапти. Шундай қилиб, барча кўрсатилган гўза навларида, шу жумладан «АН-Ўзбекистон»-2 навида ҳам тола шиқлиги IV тип толаси олий даражада қўйилган норматив даражасидан пастроқ.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, «АН-Ўзбекистон»-2 ғўза нави айтиб ўтилган IV типга кирган ғўза навларига нисбатан вилтга 5—10 баравар кўпроқ чидамлилиги, биринчи кўсакнинг 5—7 кун илгари очилиши ва ниҳоят 10—15 кун олдин пишиб тугаши ҳамда уларга қараганда тенг шароитларда гектаридан ўртача бир тоннага яқин ортиқча ҳосил бериши билан фарқ қилади.

#### **«ЎЗБЕКИСТОН» ҒЌЗА НАВЛАРИНИНГ МОРФОЛОГИК, ХУЖАЛИК ВА ТЕХНОЛОГИК БЕЛГИЛАРИ**


«АН-Ўзбекистон»-1 нави совет ғўза навларининг узун толали навлари группасига киради. Бу нав Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Ўсимликлар экспериментал биологияси институтида мазкур рисола авторлари томонидан ғўзанинг турлараро узоқ авлодларини дурагайлаш, қайта чатиштириш ва кўп мартаба яқка танлаш каби мураккаб методларини (Ғз-С-4727х мексиканум Х С-4727) қўлланиш йўли билан яратилган.




1-расм. Вилт фонида ота-оналик ва «Ўзбекистон» ғўза навлари

**Морфологик белгилари.** Тупи гуж, колонка шаклида бўлиб, I типда шохлайди. Бўйи 100—110 см, пояси яшил рангда, тукли, кузга бориб қизғиш рангга киради.

Ҳосил шохлари қисқа, ўртача тукли бўлади. Баргланиш даражаси ўртача, барги ўртача катталиқда, оч яшил, уч-беш бўлакли. Гули ўртача катталиқда, гул ён барглари ўртача (10—12), узун тишли. Гултож барглари оч сарғиш тусда («Тошкент»-1 нави гулига ўхшаш рангда), доғсиз, чанги рангсиз. Қўсаги йирик, думалоқ, учи бир оз чўзиқроқ, одатда 4—5 чаноқли, чаноқлари пахтани яхши ушлаб туради. Чигити йирик, тукли, туклари кулранг бўлади. 1000 дона чигитининг оғирлиги 125—140 грамм келади (2-расм).



2-расм. «Ўзбекис-  
тон»-1



3-расм. «Ўзбекис-  
тон»-2.

**Ҳўжалик ва технологик белгилари.** Бу навнинг 50 процент ўсимликдаги биринчи чаноғининг очилиши ўртача 125—130 кунни ташкил қилади. Тупроқ шароити

ва мавсумнинг келишига қараб, бундан 5—7 кун фарқ қилиши мумкин.

Тола чиқиши — 37—38 процент, кўсагининг оғирлиги — 6,5—7,5 грамм. Тола узунлиги 34—35 мм, метрик номери (майинлиги) — 5600—5700, тола пишиқлиги — 4,7—4,9 гр, узилиш узунлиги 26—28 км. Пахта тозалаш ва тўқимачилик саноати талаблари бўйича V тип учун қўйилган нормативларга аъло даражада жавоб беради.

«Ўзбекистон»-1 нави гаммоз билан қисман касаллансада, кейинчалик тузалиб кетади. Қасалликнинг ҳосилга таъсири йўқ. «Ўзбекистон»-1 гўза нави машина термига ниҳоятда мослашган.

«АН-Ўзбекистон»-2 нави ҳам совет гўза навларининг узун толали навлари группасига киради. Бу нав ҳам Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Ўсимликлар экспериментал биологияси институтида шу рисола авторлари томонидан яратилди. Бунда гўзанинг турлараро узоқ авлодларини дурагайлаш, қайта чаптиштириш ва кўп мартали якка танлаш каби усуллар (Ғз-С-4727 X мексиканум — С-4772) қўлланилди.

**Морфологик белгилари.** Гўзасининг тупи колонка шаклида бўлиб, I типда шохлайди, бўйи 110—120 см. Барги нисбатан кичик, ўртача баргли пояси яшил рангда, кузда қизғиш ранг олади, бақувват, озроқ тукли. Ҳосил шохлари қисқа, озроқ тукли. Гули ўртача катталикда, гул ён барглари кўп (11—12), узун тишли бўлади.

Гултож барглари лимон рангига ўхшаш сарғиш тусда, доғсиз. Кўсақлари йирик, думалоқ, учи бир озгина чўзиқ, 4—5 чаноқли, чаноқлари пахтани яхши ушлаб туради.

1000 дона чигитининг оғирлиги 120—140 гр (3-расм).

**Хўжалик ва технологик белгилари.** Бу навнинг 50 процент ўсимликдаги биринчи чаноғининг очилиши 123—126 кунга тўғри келади. Барча шароитларнинг табақаланишига қараб, 5—6 кун фарқ қилиши мумкин. Тола чиқиши — 36—37 процент, тола узунлиги 35—36 мм, метрик номери (майинлиги) 5900—6000, тола пишиқлиги — 4,5—4,7 гр, узилиш узунлиги 27—28 км, кўсагининг оғирлиги 6—7 гр.

Бу нав толасининг узунлиги, метрик номери (майинлиги) ва тола чиқиши бўйича, саноат томонидан IV тип тола учун қўйилган нормативлар даражасига ва

толасининг пишиқлиги бўйича ўртача даражада жавоб беради. Толасининг пишиқлиги бўйича у IV тип стандарт навлари (149-Ф, С-1622 ва 138-Ф)га тенг ҳисобланади. «Ўзбекистон»-2 нави кўрсатилган стандарт навларига қараганда 5—7 кун тезпишарлиги бўйича ва охиридан 10—15 кун эрталиги, вилтга чидамлилиги бўйича 5—10 барабар ва ҳосилдорлиги бўйича ҳар гектар майдондан бир тоннадан зиёд ҳосили билан алоҳида аҳамиятга эга бўлган комплекс ғўза нави ҳисобланади.

«Ўзбекистон»-2 навининг вилтга чидамлилиги; асосий майдонларда ғўзанинг 108-Ф нави 80—90 процент, «Тошкент»-1 нави 5—10 процент ўртасида касалланган майдонларда «Тошкент»-1 нави билан тенг ёки 1—10 процент ўртасидадир.

«Ўзбекистон» навлари бир қатор муҳим ирсий хусусиятлар комплексига эга бўлган ғўзалардан ҳисобланади. Бундай хусусиятларга тезпишарлик, вилтга чидамlilik, серҳосиллик, чигитнинг қаттиқлиги, толасининг юқори сифатлилиги ва тупининг ихчам тузилиши кабилар кирази.

Бундай белгиларга навнинг умумий талабини ҳисобга олиб, агротехник тадбирларни амалга ошириш йўли билан эришилади.

#### **«ЎЗБЕКИСТОН» ҒЌЗА НАВЛАРИНИНГ АГРОТЕХНИК ТАДБИРЛАРИ**

**Кузги агротехника.** Ғўзапояни қирқиб олиш, шўр бўлмаган майдонларнинг ўта нотекис жойларини кузги шудгор олдидан текислаш, шу тоифадаги ерларга органик ва минерал ўғитлар солиш, уларни шудгорлаш, ўрта ва кучли шўрланган ғўза майдонларини шудгорлаш, текислаш, табақалаб шўрини ювиш ва уларга кўпроқ органик ва минерал ўғитлар солиш кабилар кузги тадбирларга кирази.

**Органик ва минерал ўғитлар солиш.** Ғўза майдонлари асосий усул билан текислангач, тупроғи кўп миқдорда сурилган жойларга 20—30 тонна, тупроғи сурилмаган, яъни айрим сабабларга кўра текисланмаган ҳамда оз миқдорда сурилган жойларга 10—15 тонна ҳисобида ғўнг ва асосий нормадаги фосфорли ва калий ўғитлар солиниб, кейин шудгор қилиниши зарур.

**Минерал ўғитлар солиш.** Кузги шудгор олдидан «Ўзбекистон» навлари экиладиган ғўза майдонларига минерал ўғитлар солишдан аввал қуйидагиларга эъти-

бор бериш лозим. «Ўзбекистон» навлари минерал ўғитларга талабчан, серҳосил. Азотли ўғитларнинг йиллик нормасининг фосфорли ўғитларнинг йиллик нормасига бўлган нисбатини 1:1 га тенглаштириб солинади. Шароитга кўра, минерал ўғитлар кўп ёки оз миқдорда солиниши мумкин.

Шунга қарамай, ҳар бир ғўза навининг кўп йиллик тажрибалар асосида ташкил топган ўртача йиллик ўғитлаш нормаси бўлади. Шунга кўра, «Ўзбекистон» ғўза навларида ҳам йиллик ўғитлаш нормаси бор.

Минерал ўғитлар кам, ўртача ва юқори нормада берилади. Биз қуйида энг кам ва энг юқори нормани кўрсатиб ўтамиз.

Азотли ўғитларнинг йиллик нормаси асосий модда (HN) азот ҳисобида соф ҳолида олинганида 200—300 кг ўртасида; фосфорли ўғитларнинг йиллик нормаси (асосий модда  $P_2O_5$ ) 200—300 кг (бу ерда азотнинг йиллик нормаси фосфорнинг йиллик нормасига бўлган нисбатининг 1:1 га тенг бўлиши ҳисобга олинган) ва калий ўғитининг йиллик нормаси (асосий модда  $K_2O$ ) эса 100—150 кг ўртасида бўлади.

**Кузда минерал ўғитлар бериш.** Кузда ғўза майдонлари асосий усулда текисланиб бўлиши билан кузги шудгор олдидан шўр бўлмаган майдонларга асосий нормадаги минерал ўғитлар солинади. Бу даврда минерал ўғитлардан асосан фосфорли ва калий ўғитлар берилади. Бунда, фосфорли ўғитларни 50—60 процент ва калий ўғитини 50 процент йиллик ўғитлаш нормасига нисбатан солиниши яхши натижа беради.

Бу нормадаги фосфорни йиллик ўғитлаш нормасига нисбатан соф фосфор ҳисобида олганда (100—150 кг гача) ёки нормадаги фосфорни суперфосфат минерал ўғити ҳисобида тук ҳолида солинганда (600—900 кг гача); калий ўғитини ( $K_2O$ ) йиллик нормага нисбатан соф калий ҳисобида олганда (25—50 кг гача) ёки шу нормадаги калийни калий хлор минерал ўғити ҳисобида тук ҳолида (50—100 кг гача) берилиши мумкин.

Азотли ўғитларни солиш масаласига келганда уларнинг нисбатан ортиқча ювилишини эътиборга олиб, экиш олдидан ерни ишлов даврида берилиши мақсадга мувофиқдир.

Майдонларга органик ва минерал ўғитларни солиш тугаши билан барча мавжуд машиналар ёрдамида кузда шудгор қилинади.

**Ўрта ва кучли шўрланган ғўза майдонларидаги кузги тадбирлар.** Бу хил майдонларда ғўзапоя юлиниб, шудгор қилинади. Уларни текислаш, шўрини ювиш ва ўғитлаш ишлари кейин бажарилади. Кузги шудгордан сўнг майдон текисланади.

Текислашда ерларнинг шўрланиш даражасига қараб, уларнинг шўрини ювиш учун поллар олинади. Ерлар шўрини ювганда уларни бостириб суғориб, сувнинг бир полдан иккинчи полга ўтмаслигини таъминлаш лозим.

Шўр ювишда ерларнинг шўрланиш даражасига қараб бир ёки бир неча марта суғориш мумкин.

**Шўри ювилган жойларга минерал ва органик ўғитлар бериш.** Юқорида кўрсатилган нормативлар асосида ўғитлар тегишли машиналар ёрдами билан ғўза майдонлари етилгач берилиши лозим. Баъзи сабабларга кўра кузда берилмай қолса, уларни кўрсатилган нормативлар билан асосий усулда ерни баҳорда ишлов даврида бир оз озайтирилган ҳолда солиниши шарт. Эрта баҳорда экиш кампанияси олдидадан запас сувлар берилади ва кузда берилмай қолган минерал ўғитлар солинади.

**Эрта баҳорда намликни сақлаш.** Маълумки, ғўза майдонларидаги умумий намлик миқдори — кузда, эрта баҳорда ёққан қор ва ёмғирлар, ерларнинг шўрини ювиш ва запас сувларини бериш даврида тўпланиб, жуда катта аҳамиятга эгадир.

Мана шу тўпланган намликни мумкин қадар кўпроқ сақлаб қолиниши «Ўзбекистон» ғўза навлари чигитини ердан бир текисда яхши униб чиқиши ва биринчи вегетация сувини нисбатан кечиктириб, 7—10 кун кейин бериш имконини туғдиради.

Агар бу муҳим тадбирга эътибор қилмасдан узоқ вақт кечиктирилса, берилган запас сувлари миқдорига тенг миқдордаги намлик ердан буғланиб кетади.

**Экиш кампанияси олдидадан органик ва минерал ўғитлар солиш.** Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, бу ўғитлар асосан кузда кузги шудгор олдидадан ёки кузги шудгордан сўнг ерларнинг шўри ювилгандан кейин солинади.

Бу даврда азотли ўғитлар йиллик нормага нисбатан 20—30 процент ёки ерларнинг барча агрономик шарт-шароитлари бўйича, айниқса, ҳосилдорлиги бўйича табақаланишига қараб, азотли (N) соф азот ҳисобида олинганида 45—90 кг ўртасида солиниши «Ўзбекистон»

навлари учун етарли ҳисобланади (бу даврда (N)ни 45—90 кг ўртасида солишда ҳосилдорликни 30—35 центнерга эмас, балки 60—65 центнерга кўтариш назарда тутилган).

### **ЧИГИТНИ ЭКИШГА ТАЙЁРЛАШ, ЭКИШ ВА УНИ ТЕЗДА УНДИРИБ ОЛИШНИНГ АСОСИЙ АГРОТЕХНИК ТАДБИРЛАРИ**

«Ўзбекистон» навлари чигитини экишга тайёрлаш учун уларни қуёш нурида қиздириш, намлаб-димлаш ва гўза зараркунандалари ҳамда касалликларига қарши дорилаш каби энг муҳим тадбирларни амалга ошириш керак.

**Чигитни қуёш нурида қиздириш.** Бунинг учун уруғлик чигитни 10—12 см қалинликда асфальт майдонларда ёзиб чиқилади. Ёзилган чигитни 3—4 кун давомида эҳтиётлик билан ёғоч белкуракда аралаштирилиб турилади.

Кеч киргач уруғлик чигитлар тўдаланиб, шолча ва брезентлар билан усти ёпилади. Шундай қилинганда чигитнинг унувчанлиги ортади.

**Чигитни намлаб-димлаш.** Бу тадбир «Ўзбекистон» гўза навлари агротехникасида энг асосий тадбирлардан бири ҳисобланади. Буни амалга ошириш учун барча хўжаликлар экиш кампаниясини кутиб ўтирмасдан, имконияти бор вақтда ўтказа бериши тавсия этилади. Чигитни марказлашган ҳолда экишга тайёрлаш пункти ҳар бир хўжаликда 1—3 тадан бўлиши керак.

Бу махсус пунктларда алоҳида уй бўлиб, бу уйда доривор моддалар билан ишлаш учун керакли кийимлар комплекси, чигитни дорилаш учун тешиклари жуда кичик бир неча сим элаклар, челақлар, лейкалар ва ёғоч белкураклар олдиндан тайёрлаб қўйилиши керак.

Бундан ташқари, эни 2 метрча, узунлиги 2, 4, 6, 8 ва 10 метр, атрофи 20—30 см баландликда кўтарилган цементланган майдончалар бўлиши лозим.

Чигитни намлаб-димлаш қуйидаги тартибда ўтказилади. Чигитни экишга тайёрлаш учун уларга уч марта сув берилиб намлангач, уч марта ҳам димланиши керак.

Чигитни биринчи марта намлаб-димлаш учун тхфм ва тмтд препаратлари билан дориланган чигитлар цементланган майдончаларга ҳар бир қисми 500 кг чамасида (20 см ча қалинликда) ёзиб чиқилади. Унга 125—150 литр сув сепилади. Сувни чигитлар бир текисда ши-

миб олиши учун улар ёғоч белкуракларда тез-тез ара-лаштириб турилиши шарт.

Чигитлар сувни шимиб олишлари билан улар тўдаланиб, шолча ва брезентлар ёпилиб, 3—4 соат димлаб қўйилади. Бунда чигит ортиқча қизиб кетмаслиги учун тўдаланган чигитнинг қатлами 50—60 см дан ошмаслиги лозим. Шу билан чигитни биринчи намлаб-димлаш тугатилади.


Биринчи марта димланган чигитни 3—4 соат ўтгач, иккинчи марта қайта намлаб-димланади. Бунинг учун белгиланган нормада 500 кг чигит бўлганида 100—125 литр сув сепилади. Сепилган сув шимилиб бўлгач, чигитлар тўдаланиб, шолча ва брезентлар билан ёпилиб, иккинчи марта ҳам 3—4 соат димлаб қўйилади.

Шу чигитларни охириги — учинчи марта намлаб-димлашда ҳам сув олдинги вариантлардагидек сарфланади. Бунда 3—4 соатлик димлаш муддати тугаса ҳам бу иш давом эттирилиб, чигит ўраб қўйилган шолча ва брезентлар қуриб қолмаслиги учун уларнинг устидан вақт-вақти билан сув сепилиб ҳўллаб турилади. Шундай қилинганда «Ўзбекистон» гўза навларининг чигити яхши униб чиқади.

Хулоса қилиб айтганда, намлаб-димлаш муддатини ҳаво иссиқроқ кунларда фақат бир сутка, ҳаво салқинроқ кунларда 1—1,5 сутка давом эттирилса, мақсадга мувофиқ келади. 1976 йилги шароитда ушбу усулни тўлиқ қўлланиш ва ивитиш сифатига катта эътибор бериш борасида Андижон область Москва районидаги «Правда» колхозининг раҳбарлари намунали иш кўрсатдилар. Бу хўжалик раҳбарлари чигитни 7—10 соатда етилтириб, уюшқоқлик кўрсатиб чигит экиш кампаниясини жуда сифатли уюштирдилар. Натижада экилган «Ўзбекистон» навлари чигити ўз вақтида тўлиқ ундириб олинди. Ана шундай усулни қўлланиш билан шу районнинг «Ленинград» колхозни раҳбарлари ҳам яхши натижага эришиб, чигитни қисқа вақт ичида текис ундириб олдилар.

Чигитни экишга тайёрлашдаги учинчи тадбир чигитни гўза зараркунандалари ва касалликларига қарши до-рилаш ҳисобланади. Бу тадбирга алоҳида эътибор бери-лиши ҳам жуда катта аҳамиятга эга.

Масалан, гўзанинг оғир касалликларидан бири гам-моз касаллигига қарши чигит трихлорфенолит миси (тхфм), гўзанинг илдиз чирпи касаллигига қарши тет-раметилтиурамдисульфид (гмтд) ва, ниҳоят, гўзанинг



зараркунандаларидан — кузги тунлам (кўк қурт)га қарши эса гексохлоран (гхцг) деган препарат ишлатилади.

Ҳозирги шароитда колхоз ва совхозлар экиб келаётган ғўза навларининг чигити марказлашган усулда заводларда (фақат гаммоз касаллигига қарши) тхфм дориси билан камида экишга икки ҳафта қолганда дорилаб қўйилади.

Тмтд дориси хўжаликларнинг ўзида чигитни намлаб-димлаш олдидан чигитга қўшилади. Гхцг дориси эса фақат чигитни намлагандан кейин экишга тайёр чигитларни жўнатиш олдидан аралаштирилади. Андижон облас-тининг Москва районидаги пахта тозалаш заводи 1976 йили янги универсал дори билан чигитларни дорилаб, катта ютуққа эришди. Аммо «Ўзбекистон» ғўза навлари-нинг чигити ҳозирча катта дорилаш партияларига ҳам-ма жойда ҳам айланганича йўқ.

Бу дорини солиш учун чигитни айтиб ўтилган семен-майдончаларга 15—20 см қалинликда ёзилади, кўрсатил-ган нормадаги дорини 2—3 бўлакка ажратилади ҳамда ҳар бир қисмини алоҳида-алоҳида элаб сўнг чигитга қў-шилади. Ҳар бир қисмини бирин-кетин беришда чигитни икки томонидан бир меъёрда аралаштириб турилади. Бунда чигит бир хилда дориланиши керак. Шу дори-ланган чигитларга яна худди шу усулда ғўзанинг илдиз чириш касалига қарши ҳар тонна чигит ҳисобига 12 кг тмтд дориси ҳам қўйилади. Агар бу иш экишга 10—15 кун қолганда қилинса, чигит қоплаб қўйилади. Бордию бу экиш олдидан ўтказилса, шу дориланган чигитлар юқорида кўрсатилган кўрсатма бўйича намланиб-дим-ланади.

Чигит намланиб-димланиб экишга тайёрланиш олди-дан, ғўза зараркунандаларидан кузги тунлам (кўк қурт)-га қарши 12 процентли гексохлоран (гхцг) дорисини ҳам ҳар тонна чигит ҳисобига 40 кг дан қўшиб тайёрлаш-ни унутмаслик лозим. Бу дорини аралаштириш ҳам худди тхфм каби ўтказилади.

Бу тадбирларнинг сифатли ўтиши учун ҳар бир хўжа-лик ҳар тонна тоза чигит ҳисобига 7 кг (тхфм), 12 кг (тмтд) ва 12 процентли гексохлоран (гхцг) дорисидан 40 кг дан тайёрлаб қўйиши лозим, Мана шу айтилган-ларга яхши риоя қилиниши соғлом ғўза ниҳоллари олиш-га, кўчат қалинлигининг етарли миқдорда бўлишига ва ҳосил пойдеворини яратишга жуда катта ёрдам беради.

**Чигитни экиш.** Бунда экиш схемаларини, экиш нор-масини, экиш чуқурлигини, экиш муддатини ва экиш би-

лан бир вақтда бериладиган минерал ўғитлар хилини ва уларнинг нормасини ҳисобга олиш керак.

**Чигит экиш схемалари.** «Ўзбекистон» ғўза навларининг чигитини барча мавжуд схемаларда экилганда ҳам нисбатан юқори ҳосил олиб келинмоқда. Лекин ниҳоллар сони бир уяда қанча кам бўлса ва улар ораси 15—20 см дан ортиқ бўлмаса, ғўза туплари шунчалик серҳосил, бақувват, ётмайдиган, тезпишар ва толаси юқори сифатли бўлиб ўсади. Биз «Ўзбекистон» навларининг ана шу ирсий хусусиятини эътиборга олиб, барча ғўза майдонларида ҳар уяда бир тупдан, фақат айрим категориядаги шўр ердагина 2 тупдан кўчат қолдиришни тавсия этамиз.

Мана шу асосда ерларни барча шароитлар бўйича табақаланишига қараб, «Ўзбекистон» навлари талабига кўра экиш схемаларини танлаб экилса, бу навлардан тўлиқ фойдаланиш имконияти туғилади. Кўп йиллик тажрибаларимиздан маълумки, «Ўзбекистон» ғўза навлари фақат эгат билан эгат орасидан эмас, балки ниҳол билан ниҳол орасидан ҳам ҳар томонлама шамол, ҳаво ва қуёш нурлари етарли миқдорда ўтиб турганда мўл ҳосил беради.

Буни биз «Ўзбекистон» навларидан фойдаланиш коэффициенти деб биламиз.

«Ўзбекистон» ғўза навларининг барча ирсий хусусиятларидан энг юқори ва энг сифатли фойдаланиш учун, ғўза майдонларини барча агрономик шартлар бўйича, табақаланишига қараб ишлаб, кўчатни қуйидаги асосий уч категорияда экишни тавсия этамиз.

**Биринчи категория экиш схемалари.**  $90 \times 15$ —1 ва  $60 \times 20$ —1 схемалари — ўтлоқ-ботқоқ ва барча хилдаги бўз тупроқли асосий ғўза майдонлари учун.

**Иккинчи категория экиш схемалари.**  $60 \times 15$ —1 ва  $60 \times 30$ —2 схемалар — барча турдаги шўрланган ерлар, механик таркибига кўра қумлоқ ва тупроқнинг юза қатлами шағал бўлиб, тошлоқ ҳисобланган ғўза майдонлари учун.

**Учинчи категория экиш схемалари.**  $90 \times 15$ —1(2) ва  $90 \times 10$ —1 схемасининг (оз миқдорда шўрланган ва қум тупроқли ғўза майдонларида) ғўзаси нисбатан паст бўлиб, 50—60 см ўртасида ўсадиган, уруғчилик хўжалиги бўлмаган жойларда жорий этилади. «Ўзбекистон» ғўза навларининг ирсий талабига биноан, агротехника қоидаларига кўра, чигитни қаторлаб экиш ва уя оралари жуда тор бўлган —  $90 \times 7$ —1 ва  $60 \times 7$ —1 ҳамда

60×10—1 схемаларда экиш мақсадга мувофиқ эмас (уруғчилик нуқтан назардан тўғри келмайди).

Акс ҳолда «Ўзбекистон» навларидан ҳар томонлама фойдаланиш коэффициенти кам бўлади. «Ўзбекистон» навларини кўрсатилган схемаларда экиш стандарт гўза навлари экилиб келинаётган схемаларга қараганда уруғлик чигитни, яганалаш вақтини ва яганалаш учун кетадиган меҳнат ҳақини 50 процент тежаб жуда катта фойда келтиради.

Мазкур навларни кўрсатилган категориядаги схемаларда экилганида, стандарт навларга нисбатан гектар бошига 20 — 30 минг туп кўчат кам бўлишига қарамай, ҳосилдорлик яхши бўлади. Бундан кутилган асосий мақсад, гўзаларни шамол ва қуёш нурлари билан доимий етарли даражада таъминлаб туришдир. Бунинг натижасида гўза туплари ёшлигидан пишиб етилади, бақувват бўлади, ётиб қолмайди ва тез пишади. Мана шу шаронтларни ҳисобга олиб, «Ўзбекистон» навларини кўрсатилган схемаларда экиш катта аҳамиятга эга.

90×15—1 схемада. Барча шаронтлар бўйича ерларнинг табақаланишига қараб, агар ер ўрта ва ундан юқори категорияда бўлса, ҳар бир туп гўзадан ўртача 80—100 грамм ҳосил олиниб (гектар бошига ўртача 70 минг туп кўчат қалинлиги бўлганида), гектаридан 55 центнердан 65 центнергача ҳосил етиштириш мумкин.

60×20—1 схемада. Шу шаронтларда гектар бошига ўртача 80 минг туп кўчат қалинлиги бўлганида, ҳар бир туп гўзадан 70—80 граммдан, гектаридан эса 55—65 центнергача ҳосил олиниши мумкин. 60×15—1 ва 60×30—2 экиш схемаларида гектар бошига 100—110 минг туп кўчат қалинлигига эришилиб, ўртача ҳар бир туп гўзадан 50—55 граммдан, гектаридан 50—55 центнергача ҳосил олиш мумкин.

90×15—1(2) қўшқаторлик схемада. Кўрсатилган тупроқ шаронтларида 130—150 минг туп кўчат қалинлиги бўлганида, ҳар бир туп гўзадан 35—40 граммдан, гектаридан эса 50—55 центнердан ҳосил олиш мумкин.

«Ўзбекистон» навларининг, барча талабларга кўра, ер шаронтини ҳисобга олган ҳолда юқорида кўрсатилган категориядаги схемаларда экилиши улардан мўл ҳосил олишда асосий омилдир.

Чигит экиш нормаси. «Ўзбекистон» гўза навлари чигитининг қаттиқлиги ирсий хусусиятини ҳисобга олиб, унинг чиримаслигидан тўлиқ фойдаланиб (гўзанинг 108-Ф навига нисбатан) айtilган тадбирларга тўлиқ

риоя қилинган ҳолда 108-Ф навига ҳамда ҳозирги вақтда «Тошкент» навларига қўлланилиб келинаётган чигитни қаторлаб экиш ҳамда уя ораси жуда тор бўлган  $90 \times 7 - 1$ ,  $90 \times 10 - 1$ ,  $60 \times 7 - 1$  ва  $60 \times 10 - 1$ ) серуяли чигит экиш схемаларига қараганда, ҳар гектар майдонга 40—50 кг уруғлик чигитни кам экиб, катта фойда олиш мумкин.

«Ўзбекистон» гўза навлари чигитини ҳар гектар гўза майдонига 45—50 кг экиш биологик жиҳатдан ҳам, хўжалик жиҳатдан ҳам энг яхши чигит экиш нормаси деб қабул қилиниши лозим.

Кўп йиллик тажрибаларимизга асосланиб, 1—3 йил ўртасида «Ўзбекистон» навларини экиб, маълум даражада тажриба орттирган хўжаликларда гектар бошига ўртача чигит экиш нормасини 45—50 кг, биринчи бор экаётган барча хўжаликлар учун (то у хўжаликлар ҳам маълум даражада чигитни экиш юзасидан тажрибага эга бўлишларига қадар 1—2 йил давомида) 50—60 кг тавсия этамиз.

Белгиланган чигит экиш нормасини асосан 50 кг деб олганимизда, «Ўзбекистон» навларининг чигити ками билан 350—400 минг донани ташкил қилади.

Бу миқдордаги чигитни юқорида кўрсатиб ўтилган схемалар бўйича экилганида, эгат ва уя ораларининг кенглигига қараб, чигит экишда ҳар бир уяга ўртача қуйидаги миқдорда чигит ташланиши мумкин:

$90 \times 15 - 1$  схемада 74,5 минг дона уя бўлиб, ҳар уяга 4—5;  $60 \times 15 - 1$  схемада 110 минг дона уя бўлиб, ҳар уяга 3—4;  $60 \times 20 - 1$  схемада 83 минг дона уя бўлиб, ҳар уяга 4—5;  $60 \times 30 - 2$  схемада 55 минг дона уя бўлиб, ҳар уяга 6—7;  $5 - 90 \times 15 - 1$  (қўшқаторли) схемада 150 минг дона уя бўлиб, ҳар уяга 2—3 донадан чигит ташланади. Қўшқаторли схемада чигит нормасини 50 кг ўрнига 100 кг белгилаб, ҳар уяга 4—5 донадан чигит ташлангани маъқул.

**Чигит экиш.** Чигит сернам, майин ва текис тупроққа мавсум бошида 3—4 см, ўрталарига желиб 4—5 см чуқурликка экилиши лозим. Чигит экилиши олдидан юқорида таъкидлаб ўтилган тадбирлар кўрилади, яъни намланиб-димланиши ва унга дорилар аралаштирилиши лозим.

«Ўзбекистон» навлари чигитини экиш учун ҳар бир хўжалик ёки бригада ўзининг ер шароити қайси категорияга ва қайси чигит экиш схемасига тўғри келишига қараб аввал чигит экиш схемасини, экиш нормасини ва

ҳар бир уяга ташланиши лозим бўлган чигит сонини билиши ва шу асосда сеялкаларни тўлиғича тайёрлаб қўйиши лозим.

«Ўзбекистон» навларини хўжалик шароитига қараб 5 апрелдан 15 апрелгача экиш энг яхши муддат ҳисобланади.

Чигит экиш билан бир вақтда ерга минерал ўғитлар ҳам солиниши лозим.

Бу вақтда минерал ўғитлар йиллик ўғитлаш нормаси ҳисобидан солинади.

Одатда ғўзани биринчи ўғитлаш биринчи вегетация суви билан биргаликда ўтказилади. «Ўзбекистон» навларига биринчи вегетация сувини «Тошкент»-1 га нисбатан 7—10 кун кеч берилиши ва шунга асосан ғўзани биринчи ўғитлаш ҳам шу муддатга кечикишини эътиборга олиш керак. Уларга экиш билан бирга солинадиган минерал ўғитлар нормаси нисбатан кўпроқ берилиши катта аҳамиятга эга. Бунда «Ўзбекистон» навларига то биринчи вегетация сувини бериш ва биринчи ўғитлаш давригача уларнинг минерал ўғитларга бўлган талаби тўлиғича қондирилган бўлади. Экиш билан бир вақтда солинадиган минерал ўғитлар йиллик ўғитлаш нормаси ҳисобидан берилади. Ўғитлар ҳар гектар ғўза майдонига 15—20 кг соф фосфор ( $P_2O_5$ ) ва 30—35 кг соф азот (N) ёки 100 кг донатор суперфосфат минерал ўғитини 100 кг аммиак селитрасига аралаштириб, тук ҳолида солиниши мумкин.

**Чигитларни ундириб олишдаги дастлабки тадбирлар.** Юқорида асослаб ўтилган барча тадбирлар бир-бирига ҳар томонлама боғлиқ бўлиб, чигитнинг яхши униб чиқишида катта аҳамиятга эга. Чигит экилгандан кейин қатқалоқ босган ерлар чигит униб чиққунча культивация қилиниши, қатқалоққа қарши барча воситаларни табақалаб ўтказиш ва қирма чопиқ ишларини бошлаб юбориш керак.

Бундан ташқари адирлик ҳамда тошлоқ категориядаги ғўза майдонларига экишдан олдин нам тўплаш мақсадида запас сувлари берилмаган бўлса, шу билан бирга, бу майдонларга экишдан олдин етарли миқдорда намлик тўпланган бўлмаса, бу категория майдонларга имконияти борича чигит экилиши билан 4—5 кун ўтмасиданоқ чигит суви бериш шарт. Бу категория майдонларга чигит суви беришда 2—3 кун давомида сурункали ёмғирлар бўлса, чигит сувлари тўхтатилиб, ер етилиши билан культивация қилиниши лозим.

## ЎСУВ ДАВРИДАГИ АСОСИЙ АГРОТЕХНИКА ТАДБИРЛАРИ

Ўсув даврида ғўзанинг асосий агротехника тадбирларига: ғўзани яғана қилиш, суғориш, ўғитлаш, ғўзага ишлов бериш, ғўза зараркунандаларига қарши курашиш ва ғўзани чилпиш (чеканка) кабилар киради.

**Ғўзани яғаналаш.** Ғўзалар 1—2 чинбарг чиқарган даврдан бошлаб, 3—4 чинбарг чиқаргунга қадар яғаналаниши лозим.

«Ўзбекистон» ғўза навларини экиш схемаларига қараб, яғаналаш вақтида қуйидаги миқдорда кўчат қолдирилади. Экиш:

1.  $90 \times 15$ —1 схемада бўлганида ҳар уяда бир тупдан ниҳол қўйилиб, ҳар бир метрда 6—7 туп кўчат қолдирилади. Шунда гектар бошига 70—75 минг туп ўртасида кўчат тўғри келади.

2.  $90 \times 15$ —1 қўшқаторли бўлганида ҳар уяда бир тупдан ниҳол қўйилиб, ҳар метрда шахмат усулида 12—14 кўчат қолдирилади. Бунда гектар бошига 130—150 минг туп кўчат қалинлиги ҳосил қилинади.

3.  $60 \times 15$ —1 бўлганида, ҳар уяда бир туп ниҳол қўйилиб, ҳар бир метрда 6—7 кўчат қолдирилади. Бу схемада гектар бошига 100—110 минг туп кўчат қалинлигига эришилади.

4.  $60 \times 20$ —1 бўлганида ҳар уяда бир тупдан ниҳол қўйилиб, ҳар метрда 5—6 туп кўчат қолдирилади. Бунда гектар бошига 80—85 минг туп ўртасида кўчат қалинлиги ҳосил қилинади.

5.  $60 \times 30$ —2 бўлганида ҳар уяда икки тупдан ниҳол қўйилиб, ҳар метрда 6—7 ўртасида кўчат қолдирилади. Бу билан гектар бошига 100—110 минг туп кўчат қалинлигига эришиш мумкин.

**Ғўзани суғориш.** «Ўзбекистон» ғўза навларига вегетация сувини бериш учун барча категориядаги ғўза майдонларини шартли равишда қуйидаги беш асосий категорияга бўлиш мумкин:

1. Сизот сувининг сатҳи ер юзасидан бир метргача чуқурликда жойлашган (ўтлоқ-ботқоқ) категориядаги ғўза майдонлари. Бундай майдонларга эгат оралатиб, калта ўқариқлар орқали оз нормадаги вегетация суви берилиши талаб этилади.

Асосан, 0—2—0 схемасида суғорилиб, биринчи сув чигит экилганидан бошлаб 55—60 кунда, иккинчи сув 30—40 кунда берилса старли бўлади.

2. Сизот суви сатҳи ер юзасидан 1—2 метр ўртасидаги чуқурликда жойлашган (ўтлоқ ерлар) майдонлар.

Булар ҳам нисбатан калта ўқариқлар орқали оз нормада эгат оралатиб (шўр ерлардан ташқари) сугорилади. Бу ерларни асосан 1—2—0 схемада сугориб, биринчи вегетация суви 45—50 кунда, иккинчиси 35—40 кунда ва учинчиси 25—30 кунда берилади.

3. Сизот суви сатҳи 2 метрдан чуқур жойлашган барча категориядаги бўз тупроқли ғўза майдонлари. Бундай ерлар 80—120 метр ўртасида олинган ўқариқлар орқали, ўртача нормадаги вегетация суви билан сугорилади.

Бу категориядаги ғўза майдонлари 1—3—1 схемада сугорилиб, биринчи вегетация суви чигит экилганидан бошлаб 40—45 кундан кейин, иккинчиси 30—35 кунда, учинчиси 20—25 кунда, тўртинчиси 20—25 кунда ва, ниҳоят, охиргиси 15—20 кун ўртасида берилади.

4. Ер ости суви сатҳи жуда чуқур жойлашган (адирлик) бўз тупроқли ғўза майдонлари. Бу майдонларга 80—120 метрли ўқариқлар билан сув жуда оз миқдорда эгатларга таралади (2—3 сутка давомида).

Бу майдонларга вегетация суви 1—2 марта ошиқ берилади. Биринчи вегетация суви ҳам 3-категория ерларига нисбатан 7—10 кун олдин таралади. Бу майдонлар асосан 2—4—1 схемада сугорилиб, биринчи сув 30—35 кунда, иккинчи сув 15—20 кунда, қолган 3—7 вегетация суви 15—18 кун муддат ўртасида берилади.

5. Қумлоқ ва юза қатлами шағал бўлган ҳамда тошлоқ ғўза майдонлари. Бу майдонларда ҳам вегетация суви 1—2 марта ортиқ берилади. Ерлар 2—4—2 схемада калта ўқариқлар орқали қисқа муддатда сугорилади.

Ўғзаларни тупроқ нами, дала нам сифимиға нисбатан 60—65—60 ёки 65—65—60 бўлганида сугориш талаб этилади. Бу схемада кўрсатилган биринчи ва иккинчи рақам ғўза гулга киргунча сугориш миқдорини, учинчиси эса, кўсаклар етилиш давридаги сугориш миқдорини билдиради.

**Ўғзани ўғитлаш.** Биз юқорида «Ўзбекистон» навларини йиллик ўғитлаш нормаларига, кузда ва баҳорда бериладиган минерал ва органик ўғитлар миқдорига ва хилларига тўхталиб ўтдик. Бу ерда минерал ва органик ўғитларни вегетация даврида бериш устида фикр юритамиз.

Агар минерал ўғитларни йиллик ўғитлаш нормаси асосида кузда ва баҳорда ҳамда чигит экиш билан

бирга берилган бўлса, у ҳолда ғўзанинг ўсув даврида ўғитлаш (подкормка) учун, йиллик ўғитлаш нормасига нисбатан фосфор нормаси—соф фосфор ( $P_2O_5$ ) энг пастки ва энг юқори норма асосида —35—130 кг; азот нормаси—соф азот (N) 75—175 кг ва калий нормаси—соф калий ( $K_2O$ ) 25—50 кг бўлиши керак.

Қолган ўғитларни мавсум давомида беришда юқорида таъкидланган факторлар ҳисобга олиниши зарур. Фосфор соф ҳолида ҳисоблаганида ҳар гал ҳам 40—50 кг ўртасида солинади.

Минерал ўғитларни мавсум давомида солишда калий ўғитини 25 центнердан ортиқ ҳосил бериши кутилган, шўрланмайдиган барча майдонларга ғўзалар шоналаши олдидан соф ҳолда ( $K_2O$ ) 25—50 кг ҳисобида бериш маъқул. Азотли ва фосфорли ўғитлар ғўзалар 3—4 чинбарг чиқарган даврида, шоналаш ва гуллаш даври олдидан солинса яхши натижа беради.

Минерал ўғитлар 2—3 марта бериш учун етарли бўлса, кўрсатилган муддатларда фосфорли ўғит суперфосфат минерал ўғити ҳисобида, азотли ўғит эса аммиак селитраси ҳисобида (яъни тук ҳолида) олинганда, ҳар қайси ўғитдан ҳар сафар 150—200 кг ўртасида аралаштирилиб солинса, «Ўзбекистон» навларининг минерал ўғитларга бўлган талаби қондирилган бўлади.

**Ќўзанинг ўсиш даврида органик ўғитлар солиш.** Ўсиш даврида ғўзага органик ўғитларни минерал ўғитлар билан биргаликда солиш ерда намликни сақлаш ва минерал ўғитлардан самарали фойдаланишда катта аҳамиятга эга.

Органик ўғитлардан турли хилдаги ғўнглар солинади. Ќўнг чиритилиб, минерал ўғитларга қўшиб, қуруқ ҳолида, эгатлар бўйлаб ва ўқариқлар бошидан шарбат оқиизиш каби усуллар ёрдамида берилади.

«Ўзбекистон» навларига органик ўғитлар айтиб ўтилган усуллар ёрдамида 2- ва 3-вегетация суви даврида берилиши шарт.

**Ќўзага ишлов бериш.** Ќўзага асосан тракторда ва қўлда ишлов берилади. Ќўзага ишлов бериш, ҳар сафарги вегетация сувидан кейин ва улар ўртасида бажарилади (тракторда культивация қилиш, эгат олиш, қўлда чолиқ қилиш, ўтини юлиш йўли билан). Ишлов берилганда ғўза қатор оралари юмшатилиб, ёввойи ўтлар йўқотилади, намлик кўпроқ сақланади.

«Ўзбекистон» ғўза навларига бошқа стандарт навларга ўхшаш ишлов берилади.

**Ѓўза ҳашаротларига қарши кураш.** Ѓўза ҳашаротларига қарши кураш ҳосилдорликни оширишда алоҳида ўрин тутиб, у бутун вегетация даврида давом этади. Ѓўза, асосан, ўсимлик битлари, ўргимчаккана, кузги тунлам қурти, карадрин ва трипс каби ҳашаротлардан зарарланади.

Ѓўза ниҳоллари ердан униб чиқиши билан уларни ўсимлик битлари, кўк курт ва трипс каби ҳашаротлардан сақлаб қолиш чораларини зудлик билан кўриш керак. Вегетациядан кейин ҳам мазкур ҳашаротларга қарши курашишни давом эттириш лозим.

**Ѓўзани чилпиш (чеканка).** «Ўзбекистон» навлари барча ирсий хусусиятлар комплексини ўзида энг юқори нормада тўплай олгани туфайли барча стандарт навлардан тубдан фарқ қилади. Бу хусусиятлар вужудга келишида чилпишнинг аҳамияти катта. Бу навлар ҳосил шохларининг калта бўғинли (ҳар уч — беш см да ҳосил бўлади) гига кўра энг яхши шохланиш—биринчи тип шохланишга киради. Ѓуж формада ўсадиган бундай ғўза навлари агротехника тадбирлари олдида бир қатор муҳим талаблар қўяди. Бунинг учун, асосан, экиш схемасини, кўчат орасини ягана ва чеканка қилишни мувофиқ равишда олиб бориш талаб этилади.

Биз «Ўзбекистон» навларини кўп йиллар давомида 11 дан то 17—18 ҳосил шохигача қолдириб, оддий (0,5—1 см) ва мураккаб (2—3 см) узунликда ҳосил шохларини ҳам, ўсув шохларини ҳам учини чилпиб ташладик. Шунда 11 ҳосил шохи қолдириб чеканка қилинганда ҳам (агар бирор сабаб билан мўлжалдан ортиқ ҳосил тўкилмаган бўлса) уларнинг бачки чиқармаслиги тасдиқланди. Лекин бу навлар олдида қўйилган 20 дан ортиқ талабни тўлиғича рўёбга чиқариш учун 14—15 ҳосил шохи қолдириб, бўйи 75—85 см га етганда чеканка қилиш яхши натижа беради. Биз «Ўзбекистон» навларини 0,5—1 см ўртасида оддий усулда чеканка қилишни эмас, балки 2—3 см ўртасида чуқур мураккаб усулда чеканка қилинишини тавсия этамиз. Бу усулда бутун асосий майдонлар 15—25 июлда тракторда ва қўлда чеканка қилиб чиқилиши мумкин. Уларнинг кўрсатилган муддатда чеканка қилиниши ҳосилдорликни оширади.

**«ЎЗБЕКИСТОН» ҒЎЗА НАВЛАРИНИ ДАВЛАТ НАВ  
СИНАШ УЧАСТКАЛАРИ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ  
ШАРОИТЛАРИДА СИНАШ ВА КУПАЙТИРИШ  
ЯКУНЛАРИ**

«Ўзбекистон» ғўза навлари 1973—1975 йиллар давомида республикамизнинг Андижон, Фарғона, Наманган, Тошкент, Самарқанд ва Хоразм областларининг турли хил агроэкологик шароитларида жойлашган 18 хўжалигида экилиб, бир қатор яхши натижалар олинди.

Масалан, вилт билан 108-Ф нави 80—90 процент, «Тошкент»-1 нави 5—10 процент касалланган асосий ғўза майдонларида «Ўзбекистон» ғўза навлари «Тошкент»-1 нави билан тенг ёки 1—10 процент ўртасида касалланди.

Шу категориядаги ғўза майдонларининг барча шароитлари бўйича ўрта ва ундан ортиқ ҳисобланган категориядаги ғўза майдонларида «Ўзбекистон» ғўза навларининг ҳосилдорлиги 45—65 центнерни ташкил қилди.

Бу навларнинг ҳосилдорлиги 108-Ф навининг ҳосилдорлигига нисбатан 10—20 центнер ортиқ. «Тошкент»-1 навига қараганда у билан тенг ёки 5—10 центнер зиёд бўлди.

«Ўзбекистон» навларининг 50 процент ўсимликдаги биринчи кўсаги 108-Ф навидан 5—10 кун, «Тошкент»-1 навидан 4—5 кун олдин пишиб етилди. Барча ҳосилнинг пишиб етилиши бўйича «Ўзбекистон» навлари 108-Ф навидан 15—20 кун, «Тошкент»-1 навига қараганда 10—15 кун фарқ қилади.

Бу «Ўзбекистон» навларининг энг муҳим кўрсаткичларидан ҳисобланади.

«Ўзбекистон»-1 нави 1974 йилда республикамизнинг 5 давлат нав синаш участкасида экилиб, турли хил агроэкологик шароитларга қарамай барча хусусиятлари бўйича яхши натижалар олинди. Жумладан, барча технологик кўрсаткичлар бўйича ғўзанинг стандарт навлари 108-Ф ва «Тошкент»-1 га қараганда анча устунлиги, пахта тозалаш ва тўқимачилик саноати талабларига аъло даражада жавоб бериши аниқланди.

«Ўзбекистон»-1 нави 1975 йили пахтакор республикаларининг 30 дан ортиқ нав синаш участкаларида синалиб, яхши натижалар олинди.

1976 йилда эса 5 республиканинг 50 га яқин нав синаш участкаларида ва бир неча областларнинг айрим хўжаликларида экиб синалди.

Ѓўзанинг «Ўзбекистон»-2 нави ҳам 1976 йилдан бошлаб давлат нав синаш участкаларида кенг кўламда синала бошланди.

1975 йилда республикамизнинг Андижон, Фарғона, Наманган, Тошкент, Самарқанд ва Хоразм областларининг 400 гектардан ортиқ ғўза майдонларида ҳосилдорлик 45—50 центнерга етди.

Шундай қилиб, «Ўзбекистон» ғўза навларида жуда катта потенциал миқдорда ирсий томондан мавжуд бўлган комплекс хусусиятлардан ҳар томонлама фойдаланиш учун, барча агротехника тадбирлари айнан, уларнинг талабларига биноан берилиши муҳим аҳамиятга эга.

«Ўзбекистон» ғўза навлари республикамизнинг келгусида пахтадан янада мўлроқ ҳосил олишида муҳим ўрин тутди, деб ишонч билан айта олишимизга ҳамма асослар бор.

## МУНДАРИЖА

|                                                                                                                                     |    |
|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----|
| Кириш . . . . .                                                                                                                     | 3  |
| «Ўзбекистон» ғўза навларининг яратилиши . . . . .                                                                                   | 5  |
| «Ўзбекистон» ғўза навларининг морфологик, хўжалик ва тех-<br>нологик белгилари . . . . .                                            | 10 |
| «Ўзбекистон» ғўза навларининг агротехник тадбирлари . . . . .                                                                       | 13 |
| Чигитни экишга тайёрлаш, экиш ва уни тезда ундириб олиш-<br>нинг асосий агротехник тадбирлари . . . . .                             | 16 |
| Ўсув давридаги асосий агротехника тадбирлари . . . . .                                                                              | 23 |
| «Ўзбекистон» ғўза навларини давлат нав синаш участкалари<br>ва ишлаб чиқариш шароитларида синаш ва кўпайтириш<br>якунлари . . . . . | 27 |

Факиров Нигматулла Рахматул-  
леевич, Адилходжаев Иркин  
Надинович

**СОРТА ХЛОПЧАТНИКА  
«УЗБЕКИСТАН»**

На узбекском языке

Издательство «Узбекистан» —  
1976 — Ташкент

Отпечатано в типографии ор-  
дена Трудового Красного Зна-  
мени издательство ЦК КП Уз-  
бекистана, Ташкент, «Правда  
Востока», 26.

Редактор С. Абдукаримов  
Техредактор С. Собирова  
Корректор М. Мажитхужаева

Теришга берилди 20/VII-76 й.  
Босишга рухсат этилди 24/III-77 й.  
Формати  $84 \times 108^{1/32}$ . № 2. Босма  
листи 1,0. Шартли бос. л. 1,68.  
Нашр листи 1,45. Тиражи 10256.  
Р 12190. «Ўзбекистон» нашриёти,  
Тошкент, Навоий, 30. Шартнома  
245—76.

Ўзбекистон КП Марказий Комите-  
ти нашриётининг Меҳнат Қизил  
Байроқ ордени босмахонаси,  
Тошкент, «Правда Востока» кўча-  
си, 26. Заказ № 1372. Баҳоси 6 т.